

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ МАHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI  
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI  
«ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКSIYA»**

---

**Б У Й Р У Қ № 47 и/ч**

2018 йил "20" апрель

Тошкент шаҳри

**“Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясида кадрларни танлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш” ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2752-сон қарори, ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг муддатида, тўлиқ ва сўзсиз ижро этиш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттириш ҳамда инспекциянинг 2018 йил 9 апрелдаги 44-и/ч-сон 4 бандида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. “Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясида кадрларни танлаш тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўздавнефтгазинспекция” тизимида коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва кадрларни танлаш бўйича ишчи гуруҳга:

“Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясида кадрларни танлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига ва марказий аппаратидаги лавозимларга номзодлар танлаш, суҳбатдан ўтказиш, келишиш, ўрганиш ва тасдиқлаш тартибига асосан амалга оширилсин.

3. Таҳлилий маълумотларни жамлаш, ижро интизомини назорат қилиш ва ахборот хизмати бўлими (Джураев)га:

Мазкур Низом ва Тартиб “Ўздавнефтгазинспекция” Веб-сайти ([www.uzngi.uz](http://www.uzngi.uz)) жойлаштирилсин.

Мазкур буйруқни ижросини таъминлаш учун инспекциянинг барча бўлимларига етказилсин.

4. Ушбу буйруқни ижросини назорат қилиш бошлиқ ўринбосари Н.Махмудов зиммасига юклансин

Бошлиқ

Н.Агзамов

“Ўздавнефтгазинспекция”нинг  
2018 йил 20 апрелдаги  
47 и/ч сонли буйруғига  
илова

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш  
давлат инспекциясида кадрларни танлаш тўғрисида

## НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат Кодекси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июль “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 328-сон қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### I. Умумий қоидалар

2. Низомда “Ўздавнефтгазинспекция”га юклатилган вазифаларни тўлақонли бажарилишини таъминлашда малакали мутахассис кадрларни инспекция номенклатурасига (штат жадвали) киритилган лавозимларга фуқароларни ишга қабул қилиш ва озод этиш, кадрларни жой-жойига қўйиш ишларини янада яхшилаш, раҳбар кадрлар лавозимларига захира яратиш ишларини тартибга солиш ва бу ишларни тизимли олиб бориш жараёни ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш масаласини тўғри амалга ошириш механизминини белгилайди.

3. “Ўздавнефтгазинспекция” номенклатурасига киритилган иш ўринлар бўйича ишга қабул қилиш ушбу Низомга асосан амалга оширилади ва риоя қилинади.

### II. Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар

4. Номзод кадрлар қуйидаги кўрсаткичлар билан танланади:

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида бакалавр, магистр даражасига эга бўлган ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида таҳсил олган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришда ва жамоанинг ижтимоий ҳаётида ўзини кўрсата олган ҳамда етарлича тажриба ва касбий билим савиясига эга бўлиши;

- компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича етарли малакага эга бўлиши;

- инспекция марказий инспекторлик бошқармаси бош технологи, марказий инспекторлик гуруҳ бошлиғи ва ҳудудий бўлимлар бош технологи лавозимларига номзодлар олий техника билимига ҳамда нефть-газ соҳасида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши;

- мутахассис ва муҳандис лавозимларига нефть-газ соҳасида тегишли билим ва тажрибага эга (янги битирувчилар бундан мустасно) олий маълумотли бўлиши;

- лаборант-намуна олувчи, компьютер техниги, автомобиль хайдовчиси лавозимларига олий ва ўрта махсус маълумотларга эга бўлиши керак.

### III. Номзодлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар

5. Ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши

лозим:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти;
- меҳнат дафтарчаси (биринчи мартаба ишга қираётган шахслар бундан мустасно), ўриндомлик асосида ишга қираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирувчиларнинг ҳарбий билети ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома;
- махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларнинг олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом ва қўшимча шахсий жилдига тикиладиган шахсга тегишли бошқа ҳужжатлар;

#### IV. Номзод кадрларни ҳужжатларини кўриб чиқиш

6. "Ўздавнефтгазинспекция" раҳбариятининг топшириғига кўра инспекциянинг 2018 йил 9 апрелдаги 44-и/ч сонли буйруғига асосан "Коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этишни назорат қилиш ва кадрларни танлаш ишлари бўйича ишчи гуруҳ" томонидан кўриб чиқилади.

7. Тақдим этилган ҳужжатлар "Ўздавнефтгазинспекция" тизимида "Коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этишни назорат қилиш ва кадрларни танлаш ишлари бўйича ишчи гуруҳ" йиғилиши ҳар ойда камида бир марта ёки раҳбар топшириғига кўра навбатдан ташқари йиғилишда кўриб чиқилади.

8. Инспекциядаги бўш иш ўринларга номзодларни танлаш, "Ўздавнефтгазинспекция" "Коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этишни назорат қилиш ва кадрларни танлаш ишлари бўйича ишчи гуруҳ" томонидан суҳбатдан ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

9. Ишчи гуруҳ аъзолари номзод билан соҳага оид билими, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши, сиёсий дунё қараши, маънавий етуклиги, саводхонлиги, чет тилларни билиши, компьютер саводхонлиги бўйича билимлари юзасидан суҳбат ўтказиши ва номзодга баҳо беради.

10. "Коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этишни назорат қилиш ва кадрларни танлаш ишлари бўйича ишчи гуруҳ" мажлис баёни ҳар бир номзод юзасидан якуний хулосага келган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тасдиқланади.

11. "Коррупцияга қарши курашиш, Одоб ахлоқ қоидаларини талабларига риоя этишни назорат қилиш ва кадрларни танлаш ишлари бўйича ишчи гуруҳ" мажлис баёни қарори меҳнат шартнома тузишга асос бўлади.

#### IV. Якуний қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора кўрилади.